# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 21 октябрь, № 224 (8567) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## 2024 ЙИЛ УЧУН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2024 йил учун Давлат бюджетининг асосий йўналишлари ҳамда тармоқ ва ҳудудларда амалга ошириладиган вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Давлат бюджети даромадларини кўпайтириш, харажатларини оптималлаштириш бўйича ҳар бир соҳа, тармоқ ва ҳудудлар кесимида мавжуд захира ва имкониятлар атрофлича таҳлил қилинди.

Аввало, йирик саноат тармоқларида харажатни қисқартириш орқали таннархни камайтириш бўйича аниқ вазифалар белгиланди. Масалан, жорий йилнинг биргина тўртинчи чорагида 349 та йирик саноат корхонасида 2,1 триллион сўм харажатларни камайтириш мумкинлиги ҳисоб-китоб қилинган. Бу ишларни тизимли давом эттириш учун ҳукуматга келгуси йилда йирик тармоқларда таннархни 15 — 20 фоиз камайтириш бўйича дастур ишлаб чиқиш топширилди.

Ҳудудларнинг даромад базасини кенгайтириш масаласига тўхталиб ўтилди. Жумладан, паст қувватда ишлаётган корхоналарга кўмак бериб, уларни тўлиқ қувватга чиқариш чоралари белгиланди. Тадбиркорликни ривожлантириб, солиқ базасини кенгайтириш, афзалликлар бериш орқали “яширин иқтисодиёт”ни қисқартириш муҳимлиги айтилди.

Қишлоқ хўжалигида “катта сакраш”га фақат илм орқали эришиш мумкинлиги таъкидланди. Бу борада ер сифати, нав ва агротехнологияга замонавий илмий ютуқларни кенг татбиқ этиш орқали бир гектарда пахта ҳосилдорлигини 50 центнерга, ғаллада 100 центнерга етказиш вазифаси қўйилди.

Минтақамизда сув муаммоси кун сайин долзарб бўлиб бормоқда. Сўнгги икки йилда сув хўжалигига бюджетдан 22 триллион сўм, жумладан, сув тежовчи технологияларга қарийб 1 триллион сўм субсидия ажратилган.

Шу боис келгуси йилларда суғориш каналларини бетонлаш, сув тежовчи технологиялар ўрнатиш ишларига ажратиладиган маблағ кўпайтириб борилади. Жумладан, келгуси йилда марказлашган инвестиция ҳисобидан 1,7 триллион сўмлик ва халқаро молия ташкилотларидан 300 миллион долларлик сув инфратузилмаси лойиҳалари амалга оширилади. Давлатимиз раҳбари бу масалага кенгроқ тўхталиб, суғориш каналларини бетонлаш бўйича уч йиллик дастур қабул қилинишини таъкидлади.

Яқинда қабул қилинган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ижтимоий соҳаларни ривожлантириш устувор вазифа этиб белгиланган. Шу боис 2024 йил учун Давлат бюджети лойиҳасида бу соҳаларга катта эътибор қаратилган.

Хусусан, келгуси йил инсон капиталини ривожлантириш учун 102,5 триллион сўм йўналтириш мўлжалланмоқда. Бу жорий йилдагига нисбатан 15 фоиз кўп.

Масалан, дастлабки лойиҳада 317 та мактаб қурилиши ва реконструкция қилиниши режалаштирилган эди. Президентимиз бу масаланинг муҳимлигини ва жойлардаги талабни инобатга олиб, яна 150 та мактаб қурилишига маблағ ажратишни таклиф қилди.

Мактабгача таълим, профессионал ва олий таълим тизими учун назарда тутилган маблағларни ҳам кўпайтириш бўйича фикр билдирилди.

Шу билан бирга, ушбу маблағлардан оқилона фойдаланиш, ажратилаётган маблағларнинг натижадорлигини ошириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Келгуси йилдан “Маҳалла бюджети” тизими тўлиқ жорий қилинади. Бу — ҳар бир маҳалланинг 100 миллион сўмгача маблағи бўлади, дегани.

Давлатимиз раҳбари бу маблағларни маҳаллада иш ўрни яратадиган, аҳолининг оғирини енгил қиладиган лойиҳаларга йўналтириш зарурлигини таъкидлади. Ушбу янги тизим бўйича маҳалла раисларини ўқитиш, маблағларнинг ҳисобини юритиш ва назорат қилиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Шу билан бирга, бюджет интизомини кучайтириш бўйича қонунчиликка таклифлар киритиш зарурлиги айтилди. Бу борада бюджет маблағлари ҳисобидан тўғридан-тўғри шартномалар тузишга йўл қўймаслик, очиқ-ошкора танлов ва тендерлар ўтказиш амалиётини кенгайтириш қатъий кўрсатиб ўтилди.

Тармоқ, соҳа ва ҳудудларга келгуси йил 32 миллиард доллар инвестиция жалб этиш, экспортни 19 миллиард долларга етказиш имкониятлари кўриб чиқилди.

Йиғилишда билдирилган фикрлар асосида 2024 йил учун бюджет лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилади.

Кун тартибидаги иккинчи масала ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид бўлди. Давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилояти мисолида йил якунигача бўлган ишларни максимал даражада бажариш, келгуси режаларни белгилашда аҳоли талаби ва муаммодан келиб чиқиш йўлини кўрсатиб берди. Бунда ҳокимликлар билан вазирликлар тенгма-тенг масъул экани, ўзаро мувофиқ ишлаб, соҳа ва жойлардаги масалаларни ҳал этиш зарурлиги таъкидланди.

**ЎзА.**

## ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШЛАРИ КОТИБЛАРИ УЧРАШУВИ



*Тошкентдаги Халқаро конгресс марказида 20 октябрь куни Ўзбекистон раислигида Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари котибларининг иккинчи йиғилиши бўлиб ўтди.*

Бугунги кунда ваколатли идораларнинг хавфсизликни таъминлаш борасидаги ҳаракатлари, мамлакатларни барқарор тараққий эттириш йўлларини излаш бўйича ҳамкорликдаги ишлари ҳар доимгидан ҳам муҳим жараён саналади. Шу жиҳатдан ҳам бу йиғилишни Туркий давлатлар ташкилоти кун тартибидаги ўта муҳим воқеалардан бири дейиш ўринли.

Тадбирда Озарбайжон Республикаси Хавфсизлик кенгашининг котиби Рамиль Усубов, Қозоғистон Республикаси Хавфсизлик кенгашининг котиби Гизат Нурдаулетов, Қирғиз Республикаси Хавфсизлик кенгашининг котиби Марат Иманкулов, Туркия Президенти Администрацияси ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг бош котиби Сейфуллаҳ Хажи Муфту ўғли, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби Виктор Махмудов, шунингдек, Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби Қубаничбек Омуралиев иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташқи сиёсат масалалари бўйича махсус вакили Абдулазиз Комилов давлатимиз раҳбарининг йиғилиш иштирокчиларига мурожаатини ўқиб эшиттирди.

Мурожаатда Туркий давлатлар ташкилотининг жадал ўсиб бораётган салоҳияти ва обрў-эътибори — бу уларнинг дўстлиги ҳамда бирдамлиги экани алоҳида қайд этилган.

Самарқандда бўлиб ўтган тарихий саммит якунлари ташкилот ривожида янги даврни бошлаб берди. Қатор муҳим ҳужжатлар, жумладан, савдо ва божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ҳамда Инвестиция фондини ташкил этиш тўғрисидаги битимлар қабул қилинди.

Туркий давлатлар ташкилотида Ўзбекистон раислигида аҳамиятга молик, кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Ҳамкорлик янада кенгайиб, янги юксалиш суръатига эга бўлганига эътибор қаратилди.

Туркий давлатлар ташкилотини институционал жиҳатдан ислоҳ қилиш, “янги иқтисодий имкониятлар макони”ни яратиш, транспорт соҳасида ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш ва озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича ҳамкорликни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани қайд этилди.

Ўзбекистоннинг раислиги доирасида мамлакатларнинг иқтисодиёт, савдо, соғлиқни сақлаш, таълим, космос, энергетика вазирликлари ва идоралари ҳамда махсус хизматлари раҳбарларининг қатор муҳим учрашувлари ўтказилгани таъкидланди.

Шунингдек, мурожаатда ташкилот захираларидан имкон қадар самарали фойдаланиш ҳамда туркий мамлакатларнинг интеграция борасидаги салоҳиятини барча соҳада ошириш бўйича изчил иш олиб борилиши қайд этилди.

Хавфсизликнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашиш, бугунги нотинч дунёдаги умумий таҳдид ва хавф-хатарларга қарши биргаликда жавоблар ишлаб чиқишда бу каби йиғилишлар самарали майдон саналади.

Тадбир давомида иштирокчилар Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатларнинг хавфсизликка оид минтақавий кун тартиби масалаларига ёндашувлари умумийлигини қайд этди.

Томонлар барқарор ривожланишни таъминлашнинг амалий жиҳатлари бўйича идоралараро алоқаларни янада кенгайтириш муҳимлигини таъкидлади.

— Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари котибларининг биринчи йиғилиши ўтган йили Анқарада бўлган эди, — дейди Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби Қубаничбек Омуралиев. — Ўтган йил ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Ўша тарихий саммитда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Хавфсизлик кенгашлари котибларининг йиғилишини давом эттириш кераклигини таъкидлади. Иккинчи йиғилишни Тошкентда ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Бугунги йиғилишнинг кун тартибидан одам савдоси, озиқ-овқат хавфсизлиги, наркотрафикка қарши курашиш, чегаралар дахлсизлиги каби масалалар ўрин олди. Биз барча соҳадаги — озиқ-овқат хавфсизлигидан тортиб фуқаролар хавфсизлигигача бўлган масалаларни кўриб чиқдик. Терроризм, экстремизм, гиёҳвандликка қарши курашгача бўлган хавфсизлик масалалари муҳокама қилинди. Йиғилишда қабул қилинган қарорларни изчил бажариш, хусусан, Хавфсизлик кенгашининг ҳар бир котиби ва котибият билан экспертлар гуруҳини ташкил этишга келишилди.

→ 3

## 21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни

**Инсон учун киндик қони томган Ватани, дунёга келтириб вояга етказган ота-онаси қанчалик азиз ва мукаррам бўлса, унинг ўзлиги ва маънавий оламини белгилайдиган она тили ҳам шунчалик қадрли ва мўътабардир.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## «МИЛЛИЙ ЎЗЛИК ВА СУВЕРЕНИТЕТ РАМЗИ, ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ УЧУН УЛКАН МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ МАНБАИ»

21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни чет элларда ҳам кенг нишонланмоқда.

1989 йилда ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши миллий мустақилликка эришиш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлган эди. 2020 йил 10 апрель куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонуни билан 21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни этиб белгиланди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, бугунги кунда бутун дунёда 50 миллиондан ортиқ кишилар ўзбек тилида сўзлашади. Хорижий мамлакатларда мазкур сана муносабати билан ўтказилаётган тадбирларда ўзбек тилининг халқаро обрў-эътиборини янада юксалтириш, ўзбек тилини ўрганувчилар учун зарур шароитлар яратиш, миллий тилимизда яратилган энг сара адабиёт намуналарининг хорижий тилларга таржимасини кўпайтириш масалаларига эътибор қаратилмоқда.

Ушбу мавзудаги маънавий-маърифий тадбирлардан бири мамлакатимизнинг **Ростов-Дон (Россия)**даги Бош консуллиги томонидан Чечен давлат университетида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар билан уюштирилди.

Тадбир аввалида ҳамюртларимиз ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 34 йиллиги байрами билан муборакбод этилди. Сўнгра улар иштирокида она тилимизга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Мулоқот чоғида ўзбекистонлик талабалар фахр ва ифтихоримиз — она тилимизнинг боқийлиги, унда миллатимиз руҳи мужассам эканлиги, ҳар қандай шароитда ҳам уни эъзозлаш барчамизни шарафлаши ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.

Давра суҳбати давомида халқимизнинг бетакрор шоирлари Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва Муҳаммад Юсуфнинг ўзбек тили ҳақидаги шеърларидан намуналар ўқилди.

21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни муносабати билан мамлакатимизнинг **Туркия**даги элчихонаси қошида фаолият кўрсатадиган “Ўзбек тилининг дўстлари” клуби, Туркия олий таълим муассасалари ҳамда мамлакатимиз илмий-адабий жамоатчилиги вакиллари иштирокида қатор тадбирлар ташкил этилаётир.

Анқара Йилдирим Боязид университети билан ўзаро ҳамкорликда уюштирилган тадбирда ўзбек адиби Чори Авазнинг яқинда турк тилига таржима қилинган “Aydınlık Hayaller” китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Ўзбек адиблари асарларининг турк тилига ўгирилиши ҳам ўзбек тили ва адабиётига бўлган катта қизиқишдан далолат бериши қайд этилди. Тадбир иштирокчиларига Чори Авазнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида атрофлича маълумотлар берилди.

Университетнинг тилшунослик йўналиши талабалари иштирокида мушоира ташкил этилиб, ўзбек шоирининг шеърларидан намуналар ўқилди.

Тадбирдан сўнг ўзбекистонлик профессор Нурбой Жабборов ва турк навоийшунос олими Фунда Топрак иштирокида Анқара Йилдирим Боязид университети талабаларига ўзбек тилига бағишланган очиқ дарс уюштирилди.

→ 3




Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

## ОНА ТИЛИМ, УЛУҒ ТИЛИМ, ЎЗИНГСАН

*Ҳар бир миллат ўз она тилини муқаддас деб билади. Бундан 34 йил муқаддам 21 октябрда мамлакатимизда “Давлат тили ҳақида”ги Қонун қабул қилинди ва бу кун ўзбекнинг миллий ғурури, топталган қадриятлари исёни сифатида тарихга кирди. Бу маънавий жасорат, эзгу мақсадлар рўёби бўлган кун ҳаммамиз учун азиз ва аҳамиятлидир. Ўша пайтда қоғозда давлат тили мақомига эга бўлган, амалда замонанинг ҳукмрон тили соясида расмий тил мақомини йўқотиб, оғзаки сўзлашув ва кўча тили даражасига тушиб қолган она тилимиз таназзул ва қаттиқ босимга учраётган дамлар эди.*

Она тилимизнинг равнақи ва истиқболи — миллатнинг ўзлигини англаши, халқнинг маънавий баркамоллигини, келажагини таъминлаш демакдир. Юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг маданияти ва урф-одатларини, хусусан, уларнинг она тилларини ривожлантириш мақсадида 140 га яқин миллий маданият марказлари, кўплаб таълим-тарбия масканлари, оммавий ахборот воситалари ўзбек тили билан бирга қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари”, “Қорақалпоқ адабиёти дурдоналари”, “Биринчи китобим”, “Жаҳон адабиёти дурдоналари” каби серияларни нашр қилиш бўйича бошланган ишлар тизимли асосда давом эттирилмоқда.

Ер юзида ўзбек тилида сўзлашувчилар сони қарийб 50 миллион кишини ташкил этади. Хорижий давлатлардаги 65 та олий ўқув юртида ўзбек тили ва адабиёти ўрганилмоқда. Ўзбек тилини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бораётган чет эллик олимлар сафи кенгаймоқда. Афғонистон Ислом Республикасида ўзбек тилига расмий тил мақоми берилиб, Ўзбек тили кунига бағишланган байрам тадбирлари давлат миқёсида нишонланганини катта воқеа бўлди.

Президентимизнинг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига биноан 21 октябрь санаси юртимизда “Ўзбек тили байрами куни” деб белгиланди. Давлатимиз раҳбари “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонга имзо чекди. “Давлат тили ҳақида”ги қонун лойиҳасининг янги таҳрири қабул қилиниши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳалари тайёрланиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун киритилди. Буларнинг барчаси давлат тилини ривожлантиришни янги босқичга кўтариш йўлида қўйилган қадамлардир. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Ҳозирги кунда янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган эзгу интилиш ва ҳаракатларимиз ҳал қилувчи босқичга кўтарилмоқда. Бу йўлда миллий ўзлигимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли бўлган она тилимиз, ҳеч шубҳасиз, беқиёс куч-қудрат ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади”.

Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида ташкил қилинган Давлат тилини ривожлантириш департаменти ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлардаги бўлимлари уч йилдан ортиқ давр мобайнида тилимиз ривожига тўсиқ бўлаётган муаммоларни ҳал қилишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

→ 3

## САМАРҚАНДДА ХАЛҚАРО ТУРИЗМ АКАДЕМИЯСИ ОЧИЛДИ

*Хабарингиз бор, шу йилнинг 16 — 20 октябрь кунлари Самарқандда БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти (ЮНВТО) Бош ассамблеясининг 25-юбилей сессияси ўтказилди.*

### Форум

Унинг доирасида турли форум, кўргазма ва учрашувлар ҳам ташкил этилдики, бу мамлакатлараро сайёҳлик соҳасидаги ишлар ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади. Қолаверса, тадбирлар якуни бўйича эришилган келишувлар бутун дунёда туризмни бугунги кун талаблари асосида ривожлантириш, соҳага йўналтириладиган инвестициялар миқдорини кўпайтириш ҳамда кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга хизмат қилади.

Сессиянинг якуний тадбирларидан бирида Самарқандда туризм соҳасида мутахассислар тайёрлайдиган ва уларнинг малакасини оширадиган Бутунжаҳон туризм ташкилоти Халқаро туризм академиясининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.



Иштирокчилар академия биноси ва унинг имкониятлари, бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар. Қайд этилганидек, келгуси ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон иқтидорли мутахассислар учун махсус грантларни тақдим этади.

→ 3

Олий Мажлис Сенатида



# ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ ХАЛҚНИНГ ЧИНАКАМ ОВОЗИГА АЙЛАНАДИ

*Кеча Олий Мажлис Сенатида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссиялари раислари учун семинар ташкил этилди.*

Унда Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси ҳамда қўмита ҳузуридаги экспертлар гуруҳи аъзолари, маҳаллий Кенгашларнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссиялари раислари, маҳаллий Кенгаш депутатлари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳамда "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини халқнинг чинакам овозига айлантириш мақсади белгиланган бўлиб, бу борада кенг кўламли ишлар рўёбга чиқарилмоқда ва муайян натижаларга эришилаётир. Айни чоғда ушбу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳам талайгина.

Эътироф этилганидек, давлат ҳокимияти вакиллик органларига кўмаклашиш йўналишидаги фаолият самарадорлигини оширишда Олий Мажлис Сенати муҳим ўрин тутади. Бу борада, айниқса, аҳоли томонидан ҳар чоракда масъулларнинг ҳисоботларини эшитиш амалда таъминланиши устидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари назорати институтини жорий қилиш устувор йўналишлардан ҳисобланади.

Хусусан, прокуратура органлари фаолиятини таҳлилдан ўтказиб бориш, қонунларнинг жойларда қўлланиши юзасидан прокуратура органлари томонидан назоратни муҳокама этиш каби масалалар муҳим ўрин тутади. Шу нуқтаи назардан, семинарда маҳаллий Кенгашлар томонидан ҳудудий прокурорларнинг ҳисоботларини эшитиб боришни изчил йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги ва "Прокуратура тўғрисида"ги қонунларга биноан Сенат қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган услубий тавсиялар атрофлича кўриб чиқилди.

Аниқроқ айтганда, иштирокчилар томонидан ҳудудий прокурорларнинг ҳисоботини эшитиш тартиби, муддатлари, маҳаллий Кенгашларнинг ушбу жараёнда қандай масалаларга эътибор қаратиши лозимлиги ҳамда ўзига хос бошқа хусусиятлари чуқур таҳлилдан ўтказилди.

Ўз навбатида, қатнашчилар ушбу масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдирди.

Шунингдек, тадбирда маҳаллий Кенгашларда ҳудудий прокурорларнинг ҳисоботларини эшитишда прокуратура органлари фаолияти устидан таъсирчан назоратни олиб бориш, ҳудудларда қонун устуворлиги ва қонунийликни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш самарадорлигини янада ошириш зарурлиги қайд этилди.

Семинар якунида маҳаллий Кенгашларга методик ёрдамни тизимли равишда ташкиллаштириш, қонун лойиҳаларини депутатлар ва экспертлар томонидан кенг муҳокама қилишни йўлга қўйиш ҳамда келгусида ушбу ҳамкорликни янада кенгайтиришга келишиб олинди.

**«Халқ сўзи».**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# ИНСОН ҚАДРИ, ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ — УСТУВОР МАҚСАД

**Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталари томонидан бир қатор тадбирлар ўтказилди. Уларда жамият ҳаётини янада ислоҳ қилиш, аҳоли бандлигини кафолатлаш, дори воситалари ва фармацевтика фаолиятини тартибга солиш, солиқ ва божхона имтиёзлари, субсидиялар, шунингдек, бошқа турдаги қўллаб-қувватлаш чораларининг самарадорлигини баҳолаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашда янгича ёндашувларни жорий этишга оид бир қатор масалалар муфассал кўриб чиқилди ҳамда бу бўйича тегишли вазирликлар ахборотлари эшитилди.**

**Депутатлар томонидан қабул қилинган қонунларнинг назорат-таҳлил тартибида ўрганилгани, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ тавсиялар берилгани қонунларнинг жойларда янада самарали ишлашини таъминлашга хизмат қилади.**

## Рекламаларда давлат тили қоидаларига қандай риоя қилинмоқда?

Кузатган бўлсангиз, ҳанузгача айрим реклама пешлавҳаларидаги ёзувлар ёки уяли алоқа воситалари орқали келаётган хабарномаларнинг хорижий тилда юборилиши ҳолатлари учраб туради. Бу амалдаги қонунлар талабига тўлиқ риоя этилмаётганини англатади.

Бинобарин, 2022 йил 9 сентябрдан кучга кирган янги таҳрирдаги "Реклама тўғрисида"ги Қонунда давлат тилининг нуфузини янада оширишга қаратилган янги нормалар киритилган бўлиб, унинг "Рекламанинг тили" деб номланган моддасида мамлакатимиз ҳудудида реклама давлат тилида тарқатилиши белгилаб қўйилган. Тўғри, ўтган давр мобайнида истеъмолчиларга реклама ахбороти ҳамда маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотларнинг давлат тилида тақдим этилиши бўйича қатор ишлар амалга оширилган. Бироқ юқоридаги ҳолат тегишли қонунчиликка риоя қилиниши юзасидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтиришни, қонунчиликдаги бўшлиқларни аниқлаш ва уларни тўлдиришга эътибор қаратишни тақозо этади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси ҳамда "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳамкорлигида "Реклама ҳамда товар тўғрисидаги ахборотни давлат тилида тақдим этиш бўйича қонунчиликка риоя этилиши" мавзуида ўтказилган давра суҳбатида шу ҳақда атрофлича сўз борди.

Қонунчилик палатаси депутатлари, партия Марказий Кенгаши, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси, Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти масъул ходимлари иштирок этган тадбирда таъкидланганидек, кейинги йилларда барча соҳада ўзбек тилидан тўлақонли фойдаланиш, лотин ёзувига асосланган алифбони такомиллаштириш ва бошқа миллат вакилларининг давлат тилини ўрганиши учун шароитлар яратиш, ўзбек тилини ривожлантириш борасида қатор ишлар амалга оширилган.

Давра суҳбатида иштирокчилар томонидан "Реклама тўғрисида"ги ҳамда "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунларда реклама ахбороти ва маҳсулот (иш, хизмат) тўғрисидаги маълумот истеъмолчига давлат тилида тақдим этилиши кераклиги кўрсатиб ўтилгани айтилди. Аммо амалиётда ушбу қонун талабларига риоя қилиниши ва уларга нисбатан чоралар кўрилиши борасида сусткашликка йўл қўйилаётгани танқид остига олинди.

— Парламент қуйи палатаси депутатларига келиб тушаётган айрим мурожаатлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ҳанузгача қонунларда белгиланган қоида ва нормаларга риоя қилинмаслик ҳолатлари учраб турибди, — дейди Қонунчилик палатаси депутати Гулбаҳор Саидғаниева. — Хусусан, уяли алоқа воситалари орқали истеъмолчиларга етиб келаётган реклама эълонлари ёки банк амалиётлари, тўлов тизимлари бўйича келиб тушадиган хабарномалар тўлиқ давлат тилида тақдим этилмаяпти. Бундан ташқари, дори воситалари ёки бошқа турдаги маҳсулотлар йўриқномаларининг ўзбек тилидагиси мавжуд бўлмаслиги ёки уларнинг таржимаси ғализ бўлиши, тилимизнинг услубий, имловий қоидаларига риоя қилинмаганига тез-тез гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу эса давлат тилида сўзлашадиган ва фикрлайдиган фуқароларимизнинг ҳуқуқларини чеклаб, ўзбек тили нуфузини оширишга қаратилган қонунларимизнинг ижроси таъминланмаслигига сабаб бўлмоқда.

Тадбирда ўзбек тилининг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ва бошқа соҳаларда қўлланиш доирасини янада кенгайтириш ҳамда нуфузини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар билдирилди. Реклама тилига ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатларига риоя этмаслик учун белгиланган жазо чораларини янада кучайтириш, мамлакатимизда ҳамда халқаро майдонда ўзбекистонлик олим ва мутахассислар иштирокида ўтказиладиган илмий-амалий анжуманларда давлат тилида маъруза қилишни оммалаштириш зарурлиги бўйича фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

## Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти — парламент назоратида

"Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг 18, 19, 20, 21-моддалари ижро этилиши ҳолатини назорат-таҳлил тартибида ўрганиш якунларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, Андижон, Фарғона ва Сирдарё вилоятлари соғлиқни сақлаш бошқармалари масъул раҳбарлари иштирокида ўтказилди.

Қайд этилганидек, кейинги йилларда аҳолини ва соғлиқни сақлаш муассасаларини арзон фармацевтика маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш, фармацевтика тармоғини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Янги таҳрирдаги "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Қонун ҳамда 2020 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг фармацевтика тармоғини ривожлантириш концепцияси ушбу йўналишдаги ишларни тизимли ташкил этишда ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Йиғилишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими ҳамда Андижон, Фарғона ва Сирдарё вилоятларида "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг тегишли моддалари ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил қилинди.

Асосий эътибор аҳолини зарур ва сифатли дори воситалари ҳамда тиббий буюмлар билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш соҳасида электрон рецепт тизимини жорий этиш, дори воситалари ва тиббий









буюмларни ишлаб чиқариш, олиб кириш ва айланмасини ҳисобга олиш механизмларини тубдан такомиллаштириш, дори воситаларининг ноқонуний айланиши ва суиистеъмолининг олдини олиш, кучли таъсир қилувчи моддалар айланишини тартибга солиш борасида мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш масалаларига қаратилди.

— Қўмитамиз томонидан шу йил август ойида мазкур Қонуннинг тегишли моддалари ижроси ҳолатини назорат-таҳлил тартибида ўрганиш мақсадида Андижон ва Фарғона вилоятларида бўлдик, — дейди Қонунчилик палатаси депутати Мавлуда Адҳамжонова. — Дори-дармонлар билан чакана савдо қилувчи дорихоналар фаолиятини ўрганиш жараёнида ҳар иккала вилоятда ҳам жиддий камчиликларнинг гувоҳи бўлдик. Хусусан, вилоятлар дорихоналарида рецепт билан берилиши лозим бўлган дорилар бемалол сотилмоқда. Рецептсиз бериладиган, ҳаёт учун зарур дорилар рўйхати йўқ. Дорихонада хизмат қилаётган шахслардан тиббий кўрик ҳақида ёки малака оширганлик тўғрисида маълумот сўралганда, тақдим этилмади. Уларнинг санитар ҳолати ҳам кўп ҳолларда талабга жавоб бермайди.

Яна бир эътибор қаратилган жиҳат — оммавий ахборот воситалари орқали турли дори воситаларининг реклама қилиниши билан боғлиқ ҳолат. Тўғри, қонунчилигимизда рецептсиз бериладиган дори воситаларининг рекламасига рухсат берилган. Бу эса аҳоли ўртасида ўзини ўзи даволаш билан шуғулланиш ҳолатларининг ортишига, дорихоналар томонидан эса дори воситаларини чакана реализация қилиш тартибига риоя этмаслик ҳолатларининг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Тадбирда мутасаддилар билан мазкур ҳолат муҳокамадан ўтказилиб, бу борадаги қонунчиликни такомиллаштиришда фаол ҳамкорлик қилиш, мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқишга келишиб олдик.

Йиғилишда депутатлар томонидан ўрганишлар давомида аниқланган камчиликлар юзасидан мутасаддиларнинг фикрлари эшитилди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш, "Инсон қадри учун" тамойили асосида ҳар бир фуқарога давлат томонидан кафолатланган тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятини яратиш, бунда амалдаги қонунчиликка зарур ўзгартиришларни киритиш, дори-дармон сиёсатини назоратга олишга доир таклифлар ўртага ташланди.

Якунда билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

## Берилган саволларга мутасаддилар жавоб берди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар, Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмиталари ҳамда Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди.

Унда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг "Республиканинг саноат ва ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, иқтисодиёт тармоқларига хорижий инвестицияларни кенг жалб этишни кенгайтириш орқали ҳудудларда янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида"ги ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, жорий йилнинг январь — сентябрь ойларида республикада фаолият кўрсатаётган 70,2 мингта саноат корхонаси томонидан 459,9 трлн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Мазкур йўналишдаги маҳаллийлаштириш дастури доирасида эса 58,5 трлн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, режа кўрсаткичи 145,0 фоизга бажарилган.

Эшитув давомида депутатлар ҳудудий инвестиция дастури ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар билан қизиқди. Дастур ижроси нега ўз вақтида бажарилмаяпти ёки кечикиб кетмоқда, деган саволлар билан мутасаддиларга юзланди.

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги вакиллари ушбу саволлар юзасидан тушунтиришлар берар экан, жорий йилнинг январь — сентябрь ойларида қиймати 3,2 млрд. долларлик 7 622 та лойиҳа ишга туширилганини қайд этди. Бунинг натижасида эса 115,2 мингта янги иш ўрни яратилган.

Шунингдек, шаҳар ва туманларда маҳаллабай ишлар ташкил этилиши ҳамда молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш орқали қиймати 355,5 млн. долларлик 980 та қўшимча (резерв) лойиҳа ишга туширилиб, 25,9 мингта иш ўрни очилган.

Муҳокамалар чоғида депутатлар соҳадаги ишларни эътироф этиш билан бирга, маҳаллийлаштириш дастури доирасида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар бўйича бир қатор саволлар берди.

Вазирлик масъулларининг айтишича, жорий йил маҳаллийлаштириш дастури лойиҳасига киритилган 2 133 та лойиҳа доирасида умумий қиймати 68,4 трлн. сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш белгиланган. Бунда ушбу дастур тўлиқ рўёбга чиқарилиши натижасида 6,1 млрд. долларлик маҳсулотлар импорти қисқариши ва 1 320 турдаги талаб юқори бўлган маҳсулотлар ўзлаштирилиши белгиланмоқда.

Шу билан бирга, шу йилнинг январь — сентябрь ойларида ушбу дастур доирасида 58,5 трлн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, ҳисобот даври прогнози 145,0 фоизга бажарилиши таъминланган.

Парламент аъзолари бу борада қилинган ишларни ижобий баҳолаган ҳолда белгиланган умумий режа кўрсаткичлари бажарилган бўлса-да, айрим тармоқ ва ҳудудий корхоналарда дастурни бажаришда қолоқликка йўл қўйилганлигини қайд этдилар. Жумладан, дастурга киритилган 176 та лойиҳада 5,0 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши бошланмаган.

Йиғилишда депутатлар вазирлик томонидан қилинган ишларни эътироф этиш билан бир қаторда, ушбу соҳадаги айрим камчилик ва муаммоларни бартараф қилиш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар берди.

Якунда кун тартибидаги масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## Ажратилган субсидиялардан фойдаланиш ҳолати муҳокама қилинди

Парламент қуйи палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси ҳамда Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг "Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалар ҳамда ҳудудларга тақдим этилган солиқ ва божхона имтиёзлари, субсидиялар, шунингдек, бошқа турдаги қўллаб-қувватлаш чораларининг самарадорлигини баҳолаш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги ахбороти эшитилди.

Парламент аъзолари ушбу йўналишда олиб борилаётган тизимли саъй-ҳаракатлар ва режалаштирилаётган ишларни атрофлича муҳокама қилди. Қайд этилганидек, солиқ харажати паспортини юритиш, харажат кураторлари томонидан соҳа имтиёзларини мониторинг қилиб бориш, уларнинг самарадорлигини кузатиш механизмини йўлга қўйиш режалаштирилган. Мазкур тартибнинг амалга киритилиши солиқ имтиёзлари ҳисобини юритиш ва улар кенг жамоатчиликка эълон қилинганда шаффофликни таъминлаш имконини яратади.

Шу боис солиқ-божхона имтиёзларининг самарадорлигини учта йўналиш (иқтисодий, ижтимоий ҳамда бюджет самарадорлиги) бўйича баҳолаш ва ушбу жараённи автоматлаштириш мақсадида "Davlat ko'magi" ягона автоматик ахборот тизимини ишлаб чиқиш ҳамда дастлабки босқичда унга солиқ, божхона имтиёзлари ҳамда субсидияларни тақдим этиш махсус дастурларининг маълумотлар базасини интеграция қилиш назарда тутилган.

Шунингдек, субсидияларнинг самарадорлигини баҳолашда ушбу мезонлар миқдори ўтган йилнинг мос давридаги миқдоридан ортганда ёки самарадорлик кўрсаткичлари етарли даражада деб топилганда, субсидиянинг амал қилиш муддатини қўшимча бир йилга узайтириш режалаштирилган.

Йиғилишда, шунингдек, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг "Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ва Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармасидан ажратилган субсидиялардан мақсадли ва самарали фойдаланиш юзасидан 2023 йил 1 октябрь ҳолатидаги ижроси тўғрисида"ги ахбороти ҳам тингланди.

Қайд этилганидек, ишсиз, кам таъминланган ва камбағал оила аъзолари бўлган томорқа ер эгаларига енгил конструкцияли иссиқхона қуриш, суғориш воситаларини ўрнатиш, кўчатлар ва уруғликлар сотиб олиш учун 26,5 млрд. сўм субсидия маблағлари ажратилиши ҳисобига 3 380 нафар фуқаро ўз хонадонларида тадбиркорлик фаолиятини бошлаган.

Тадбиркорлик ёки ўзини ўзи банд қилиш истагида бўлган 32 713 нафар фуқарога ўз фаолиятини бошлашлари учун асбоб-ускуна ва меҳнат қуролларининг хариди учун 153,8 млрд. сўм субсидия маблағлари ажратилган.

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан эса жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра 11,2 млрд. сўмлик субсидия маблағлари берилган. Натижада маҳаллий меҳнат органларида ишсиз ва банд бўлмаган деб эътироф этилган ва ташқи меҳнат миграциясидан қайтиб келган 2 636 нафар фуқаронинг бандлигини таъминлашга эришилган.

Шу билан бирга, ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб, жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларни, квоталанган энг кам сондан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилотларга жами 2,0 млрд. сўм субсидия маблағлари ажратилган ва бунинг ҳисобига 815 нафар ижтимоий эҳтиёжманд шахснинг бандлиги таъминланган.

Муҳокамалар давомида депутатлар маҳаллий давлат органлари мансабдор шахсларининг ижро интизомини ошириш, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг келгуси давр учун ўз вақтида, сифатли ижро этилиши устидан парламент назоратини кучайтириш зарурлигини таъкидладилар.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## Аҳоли мурожаатлари билан ишлашда асосли таклифлар ўртага ташланди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталарининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида"ги ҳамда "Республика бюджетидан ажратиладиган маблағлардан фойдаланиш ҳолати тўғрисида"ги ахборотлари эшитилди.

Дастлаб жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан ахборот берилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат органларининг аҳоли билан мулоқотини такомиллаштириш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда уларнинг муаммоларини ҳал этишнинг замонавий механизмларини жорий қилиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Янги таҳрирдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу нуқтаи назардан, вазирлик ва тизим ташкилотларига жорий йилнинг тўққиз ойида 299 439 та жисмоний ва юридик шахсдан мурожаат келиб тушган. Шундан 147 682 таси ижобий ҳал этилган, 135 385 тасига тушунтириш берилган, 2 182 таси тегишлилиги бўйича бошқа ташкилотларга юборилган, қолган мурожаатлар эса кўриб чиқилмоқда.

Ҳисобот даврида вазирлик ва тизим ташкилотларида мурожаатларни кўриб чиқишда хато ва камчиликлар ҳамда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган 154 нафар масъул ходимга нисбатан тегишли интизомий чоралар кўрилган.

Эшитувда хорижга ишлаш учун кетган фуқароларнинг касбий малакасини ошириш бўйича комплекс тадбирлар амалга оширилаётганига қарамай, бу ишлар ҳали талаб даражасида эмаслиги, шу боис фуқароларнинг чет тилларни билиш ва касбий малака даражасини оширишга эътиборни кучайтириш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

— Йиғилишда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш борасида амалга оширилган ишларни атрофлича кўриб чиқдик, — дейди Қонунчилик палатаси депутати Мавжуда Ҳасанова. — Тўғри, берилган ахборотга кўра эришилган натижалар, ютуқлар бор. Шу билан бирга, ўз ечимини кутаётган масалалар ҳам мавжуд. Шу боис жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, уларни ҳал қилиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини янада ошириш, хусусан, мурожаатларни маҳалланинг ўзида ҳал этиш чораларини кўриш юзасидан таклиф ва тавсиялар бердик.

Шундан сўнг республика бюджетидан ажратиладиган маблағлардан фойдаланиш ҳолати тўғрисида ҳам маълумот берилди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар рўёбга чиқарилмоқда. Мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган Президентимизнинг қатор Фармон ва қарорлари қабул қилинган.

Хусусан, вазирлик тизимидаги 85 та мономарказ ва касб-ҳунарга ўқитиш масканлари, шунингдек, 200 дан ортиқ давлат ва нодавлат муассасаларида 98 минг ишсиз ва иш қидираётган шахс касб-ҳунар, тадбиркорлик кўникмалари ва хорижий тилларни ўргатиш учун ўқишга жалб қилинган. Бугунги кунда уларнинг 57 минг нафари ўқишни тугатиб, шундан 78 фоизи иш билан таъминланган.

Эшитувда депутатлар томонидан жойларда субсидияларнинг вақтида берилмаётгани, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича Давлат бюджетидан олинаётган маблағлар мақсадли сарфланмаётгани, меҳнат бозорининг талаб ва таклифлари мономарказ ҳамда аҳоли бандлигига кўмаклашиш бошқармалари ва бўлимларига интеграция қилинмагани, аксарият иш ўрни ва ишсизлар билан боғлиқ маълумотлар бир-бирига тўғри келмаётгани танқид остига олинди.

Халқ вакиллари янги соҳа ва йўналишларда фаолият юритувчи мутахассислар тайёрлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш юзасидан амалий таклифлар берди.

— Кун тартибидаги ҳар иккала масала ҳам жуда долзарб. Шундан келиб чиқиб ҳар бир масалани атрофлича муҳокама қилдик ва соҳаларда учраётган муаммоларни бартараф этишга қаратилган таклифларни бердик, — дейди Қонунчилик палатаси депутати Мадина Баратова. — Масалан, депутатлар томонидан энг кўп мурожаатлар келиб тушаётган ҳудудлар фаолиятини ишчи гуруҳ тузган ҳолда ўрганиш ва тегишли чора-тадбирларни белгилаш таклифи илгари сурилди. Шунингдек, маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси фаолиятига ижобий баҳо берилиб, вазирлик вакилларига ушбу йўналишдаги ишларни уюштиришда яқиндан ҳамкорлик қилиш таклифи билдирилди.

— Сайлов округларидан келиб тушаётган мурожаатларнинг асосий қисмини аҳоли бандлигини таминлаш билан боғлиқ масалалар ташкил этади, — дейди Қонунчилик палатаси депутати Умида Раҳмонова. — Мурожаатларга ўз вақтида жавоб қайтариш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлардан самарали фойдаланиш, меҳнат бозорининг талаб ва таклифларидан келиб чиқиб, мутахассислар тайёрлаш бўйича бир қатор таклифларни бердик. Ўйлайманки, бу соҳада учраётган камчиликларнинг бартараф этилишига хизмат қилади.

Тадбирда депутатлар вазирлик вакилларига жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг белгиланган муддатда сифатли ижросини таъминлаш юзасидан назоратни янада кучайтириш бўйича таклиф ва тавсиялар берди.

Муҳокамаларга бой бўлган эшитувда қўмиталарнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**



# ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШЛАРИ КОТИБЛАРИ УЧРАШУВИ

1 Учрашувда, шунингдек, кибержиноятчиликка қарши курашиш, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш, фавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидларнинг олдини олиш масалаларига эътибор қаратилди. Бу борада ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Томонлар ваколатли органларининг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириш ва умумий кун тартибининг долзарб масалалари бўйича қўшма қарорларни ўз вақтида ишлаб чиқиш муҳимлиги айтилди. Бунинг учун ташкилотга аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари котиблари ўртасидаги учрашувларнинг доимий механизмини жорий этиш муҳимлиги алоҳида қайд этилди.

Анжуман доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котибининг Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия делегацияси раҳбарлари, шунингдек, Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби билан икки томонлама учрашувлари бўлиб ўтди.

Икки томонлама учрашувларда минтақавий хавфсизлик масалалари, Афғонистондаги вазият, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, махсус хизматлар, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик асосида ҳамда ташкилот доирасидаги алоқаларни фаоллаштириш бўйича фикр алмашилди.

Томонлар конструктив ҳамкорликни давом эттириш, хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштиришга тайёр эканликларини тасдиқлади.

**Икром АВВАЛБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**
Муродхон ХЎЖАЕВ
олган суратлар.

# САМАРҚАНДДА ХАЛҚАРО ТУРИЗМ АКАДЕМИЯСИ ОЧИЛДИ

1 — Ишончим комилки, UNWTO билан ҳамкорликда фаолият юритадиган Халқаро туризм академияси нафақат талабалар ва Ўзбекистон туризм саноати, балки UNWTOга аъзо бошқа кўплаб давлатларнинг туризм саноати учун ҳам фойдали бўлади, — деди Ўзбекистон экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири Азиз Абдуҳакимов. — Келажакда ушбу академия глобал таълим хабига айланиб, жаҳон туризм саноатини янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшади.

Бутунжаҳон туризм ташкилоти бош котиби Зураб Пололикашвили мазкур академия туризм соҳасида сифатли таълим ҳамда инсон капиталини ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Айтилганидек, академияда туризм соҳасида кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари ҳамда техникумлар талабалари амалиёт ўташи, сайёҳларга турли хизматлар кўрсатилиши мумкин.

Шундай қилиб, беш кун давом этган Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бош ассамблеясининг 25-юбилей сессияси якунланди.

Мазкур нуфузли халқаро анжуманнинг Ўзбекистонда ўтказилиши мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш, маданий ҳамда туризм салоҳиятини тарғиб қилишда янги имкониятларни тақдим этди.

## Сўз — анжуман иштирокчиларига

**Ҳассан Муҳаммад ЖАЛЛОУ,**
**халқаро эксперт (Гамбия):**

*— Африкадаги энг кичик давлатлардан бири — Гамбия. Ўзбекистон ҳақида маълумотга эга гамбияликлар унга саёҳат қилишни жуда истайди. Бунга сабаб сифатида кўплаб омилларни келтиришим мумкин.*

*Сир эмас, коронавирус пандемияси ва бошқа айрим омиллар сабаб туризм соҳаси ҳам қийинчиликларга учради. Эндиликда эса янада мустаҳкам халқаро ҳамкорлик ва янги шартномалар туризм ривожи учун катта ҳисса қўшиши мумкин. Самарқандда 5 кун давом этган форум ва тадбирлар сайёҳлик тараққиётини таъминлашда қўл келади.*

*Яна бир масала шуки, халқаро туризмни ривожлантиришнинг муҳим асосларидан бири, бу — ҳаво транспортига инвестиция киритиш. Бу борада ўзаро ҳамкорликда қиладиган ишларимиз кўп. Айни масала ҳам сессия доирасидаги мулоқотларда муҳокама этилди ва бу ўз натижаларини беришига ишонаман.*

**Муҳаммад Али ПАША,**
**шоир, журналист (Покистон):**

*— Халқаро анжуманда қатнашиб, жуда кўп маълумотларга эга бўлдим. Билмаганларимни ўргандим, ҳамкасблар билан суҳбатлашдик. Ўзбекистон, айнан Самарқанд ҳақида ижод намуналарим талайгина. Шеърларим, асосан, таълим ҳақида, шунингдек, расмий сайтимизда Ўзбекистон таълим тизимида амалга оширилаётган ишлар хусусида бир қатор мақолаларим чоп этилди.*

*Самарқандда илк бор меҳмон бўлиб турибман. Бу шаҳар ҳақида кўп эшитардим. Бу кўҳна кентга бағишлаб "Самарқанд ва тўкилган гуллар" шеърий тўпламим ҳам нашрдан чиққан. Бу китобимни Самарқанд шаҳри кунини нишонлаган самарқандликларга совға сифатида олиб келдим. Шу байрамга бағишлаб ёзилган "О, Самарқанд, о, Самарқанд" деб номланган шеърим шу тўпламдан жой олган. Ўтказилган йирик форум, шунингдек, ҳудуднинг ўзига хосликлари ҳақида таассуротларим бир олам. Бу менинг кейинги ижодимда ўз ифодасини топади, албатта.*

**Рустам ҚОБИЛОВ,**
**Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари:**

*— Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бош ассамблеясининг 25-сессияси ҳам якунига етди. Ташкилотнинг ўтган 24-сессиясидан фарқли жиҳати Ўзбекистонда Глобал инвестиция форуми, шунингдек, Халқаро туризм таълими форуми ташкиллаштирилди.*

*17-18 октябрь кунлари ўтказилган Глобал инвестиция форумида юртимизга инвестиция киритишда жуда катта муваффақиятларга эришилди. Жумладан, Самарқандга инвестиция киритиш бўйича 1 миллиард доллардан зиёдроқ 4 та йўналишда келишувлар имзоланди.*

*Йиғилишларда бир қатор вазирликлар билан учрашувлар ўтказилди. Хусусан, Малайзия давлати билан туристлар алмашуви, икки томонга авиақатновларни амалга ошириш ва тўғридан-тўғри чартер рейсларни йўлга қўйиш бўйича келишиб олдик. Бу келишувлар келгусида, албатта, соҳа ривожига катта туртки беради.*

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# «МИЛЛИЙ ЎЗЛИК ВА СУВЕРЕНИТЕТ РАМЗИ, ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ УЧУН УЛКАН МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ МАНБАИ»

1 Туркиянинг Карабюк университетида эса "Ўзбек тилининг дўстлари" клуби фаоллари иштирокида "Ватандошлар" жамоат фонди ҳамда Алишер Навоий номидаги жамғарма томонидан тақдим этилган ўзбек тилидаги китобларни топшириш маросими ўтказилиши режалаштирилган.

Ўзбекистоннинг **Дубай**даги Бош консулхонасида ҳам Ўзбек тили байрами куни муносабати билан маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда БААда вақтинча ишлаётган ва таҳсил олаётган ватандошларимиз ҳозир бўлди. Иштирокчилар мамлакатимизда ўзбек тили ва маданиятини юксалтириш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган чора-тадбирлар, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонунининг қабул қилиниш тарихи билан яқиндан танишдилар. Шунингдек, ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойнаи ҳаёти — бу унинг миллий тили ва адабиёти эканлиги, уни ривожлантириб, келажак авлодларга безавол етказиб бериш бугунги авлоднинг зиммасида бўлиши қайд этилди.

Ўзбек тилининг ўрни ва нуфузини оширишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар натижасида мамлакатимиз давлат тили нафақат ўзбекистонликлар ҳаётида, балки жаҳон миқёсида муносиб ўрин эгаллаётгани таъкидланди. Айни чоғда, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан хориждаги ватандошлар, уларнинг фарзандлари ва ўзбек тилини ўрганаётган чет элликлар учун махсус дарсликлар, бадиий адабиётлар, луғат ва қўлланмалар, видео ва аудио материаллар тайёрланаётганига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбир иштирокчилари ўз чиқишларида сўнгги йилларда ўзбек тилининг халқаро мавқеи ошиб бораётганини қайд этиб ўтди.

Учрашув якунида ватандошлар билан ҳамкорликда ўзбек тилининг нуфузини оширишга қаратилган маънавий-маърифий ва адабий кечаларни мунтазам уюштириш бўйича келишиб олинди.

**Ҳиндистон**нинг марказий олий билим юртларидан бири Жамия Миллия Исломия университетида Ўзбек тили байрами кунига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Бугун Ҳиндистон пойтахтида жойлашган Жамия Миллия Исломия, Деҳли ва Жаваҳарлал Неру университетларида ўзбек тили курслари фаолияти йўлга қўйилган. Уларда мазкур таълим масканлари талабалари ва барча қизиқувчилар ўзбек тилидан сабоқ олмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон элчихонаси ходимлари мамлакатимизда мустақиллик йилларида жамият ҳаётининг турли жабҳаларида эришилаётган ютуқлар, жумладан, ёшларнинг замонавий таълим олиши, ўз даврининг етук ва илғор мутахассислари бўлиб етишиши учун яратилаётган шароитлар, бу борадаги халқаро ҳамкорлик кўлами ҳақида сўз юритди. Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида олий таълим соҳасидаги сермаҳсул алоқаларга урғу берилди.

Анжуманда элчихона томонидан Жамия Миллия Исломия университетига ўзбек тили дарсликлари ва қўлланмалари, Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатларига бағишланган нашрлар тўплами топширилди. Давра суҳбатида талабалар ўзбек тили бўйича билимларини намойиш этди.

Ўзбек тили байрами куни муносабати хорижий мамлакатларда ишлаётган ва таҳсил олаётган юртдошларимиз, шунингдек, ўзбек тилини ўрганаётган чет элликлар халқимизга ўз табрикларини йўлламоқда.

**Эндрю СТАНИЛАНД,**
**Британиялик шоир ва таржимон:**



— Бугун дунёдаги энг қадимий ва энг бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили ҳақида фикр билдириш шарафига муяссар бўлганимдан беҳад мамнунман.

Ўзбек тили нафақат муҳим алоқа воситаси, балки миллий ўзлик ва суверенитет рамзи, Ўзбекистон халқи учун улкан маънавий қадриятларнинг манбаи ҳисобланади.

Асрлар давомида ўзбек тили авлодлар анъаналари, маданияти ва донишмандлигининг қон томири бўлиб келган. Унинг гўзаллиги, жозибаси ва бойлиги уни ифода хазинасига айлантирди.

"Достон" ва "мақом" деб номланувчи халқ ижодиёти намуналари, кўҳна асарлар ва куй-қўшиқлар, ҳофизлар, бахшилар ўзбек тилининг жонидир. Уларда тарих акс садоси, халқ руҳи, Ўзбекистон қалби мужассамдир.

Ўзбек тили жаҳон тиллари орасида муҳим ўрин тутади. Дарҳақиқат, у 60 дан ортиқ мамлакатларда ўқитилаётгани ҳолда глобал миқёсдаги маданий алмашинувлар равнақига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистон халқини ушбу ажойиб сана билан чин дилдан муборакбод этаман.

Ўзбек тили байрами куни қутлуғ бўлсин!

**Кемал Явуз АТАМАН,**
**Туркиядаги Карабюк университети тадқиқотчиси, доктор:**

— "Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз". Туркийларнинг ота макони — Мовароуннаҳр бешик бўлган улуғ шоир, мутафаккир Алишер Навоийнинг ушбу мисралари нақадар катта маънога эга! Тил — маданиятнинг энг муҳим унсуридир. Навоий тили — қалб тили, меҳр тили, Ўзбекистон — Мовароуннаҳрнинг вориси, ўзбек тили — Навоий тили.

Мовароуннаҳр Ислом тамаддуни тарихининг шонли саҳифаларидан муносиб жой олган улуғвор ва муҳташам цивилизация соҳибидир. Бу заминдан етишиб чиққан алломалар, умаролар, улуғ сиймолар номлари тарихнинг шонли саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилган.



Бугунги глобаллашув даврида ўзбек халқининг гўзал тилига, қалб ва кўнгиллар қулфини очувчи забонига эҳтиёж мавжуд. Ўзбекистон XXI асрнинг порлоқ юлдузига айланиб бораверар экан, ўзбек тилининг тарихда бўлгани каби башариятга энг гўзал асарларни туҳфа этишига тилакдошман.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, барча ўзбекистонлик дўстларим ва қардошларимни 21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни муносабати билан самимий табриклайман.

Барча қардошларимга ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этаман.

**«Дунё» АА.**

# ОНА ТИЛИМ, УЛУҒ ТИЛИМ, ЎЗИНГСАН

1 Бу борада барча раҳбар кадрларнинг давлат тили масалалари бўйича маслаҳатчиси иш бошлади. Ўтган давр мобайнида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида иш юритиш йўлга қўйилди, четдан кириб келган атамаларнинг ўзбекча муқобилларини топишга ҳаракат қилиняпти.

Лекин таассуфки, бажарилаётган ишларни талаб даражасида деб бўлмайди. Ўтган давр мобайнида маслаҳатчилар томонидан ўзбек тилининг расмий тил сифатида фаол қўлланиши, унинг тарғиботи, ташқи ёзувлар, пешлавҳаларнинг давлат тили меъёрлари талаблари асосида тартибга келтирилишида анча ишлар амалга оширилишига қарамай, шу йилдан кўп маслаҳатчилар штат қисқариши муносабати билан ишдан бўшатилди ёки улар зиммасига бошқа вазифалар юкланди.

Мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш, Ўзбекистондаги миллат ва элатларнинг тилларини сақлаш ва ривожлантириш, давлат тили сифатида ўзбек тилини ўрганиш учун шарт-шароитлар яратиш, тил сиёсатини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари сифатида кўрилади.

**Ана шу маънода, 1989 йил 1 декабрь — қорақалпоқ тилига давлат тили мақоми берилган кун сифатида Қорақалпоғистон тарихидаги муҳим саналардан бири ҳисобланади. Бу сана ҳар йили Қорақалпоғистон Республикасида кенг нишонланиб келинади.**

Қисқа вақт мобайнида қорақалпоқ тилига мослаштирилган лотин ёзуви алифбоси ишлаб чиқилди. Компьютер учун дастур қилинди. Яқинда 7 китобдан иборат қорақалпоқ тили тушунтирма сўзлиги (изоҳли луғати) босмадан чиқди.

1995 йил 21 декабрда қайта таҳрир қилинган "Давлат тили ҳақида"ги Қонунда ўзбек тилининг ҳуқуқий муҳофазаси таъминланишидан ташқари, бошқа миллат вакиллари тилларининг муомалада бўлиш даражаси кафолатланган. Қонун барча миллат ва улар тилларининг тенг ҳуқуқлилигига асосланади, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳужжатлари республика давлат тилида ҳамда мазкур миллат тилида қабул қилинади. Лекин мазкур қонуннинг барча нормалари тўла ишлашига эришолмаётганимиз инкор этиб бўлмас ҳақиқатдир. Бунга аввало, биз катталарнинг она тилимизга бўлган бепарволигимиз, лоқайдлигимиз ҳамда саводсизлигимиз сабаб бўлмоқда.

Қорақалпоғистонда ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, туркман, рус миллати вакиллари аралаш ҳолда яшайди ва беш тилда умумтаълим мактаблари фаолият олиб боради. Шунинг учун бу минтақада тил вазияти бошқа ҳудудларга нисбатан мураккаброқ. Қорақалпоғистонда икки тилнинг давлат тили мақомида бўлиши иш юритиш жараёнида, жой номларини ёзишда, ташқи ёзувларни тартибга солишда, ҳужжат бланкаларини тайёрлашда, давлат тилларини ўқитишда, тадбирлар тилини белгилашда, шунингдек, бошқа тил ва ёзув билан боғлиқ масалаларда айрим муаммоларни келтириб чиқаради. Чунки ҳар бир тилни ўринли қўллаш, давлат тиллари билан боғлиқ муаммоларни тезкор ва адолатли ҳал қилиб бориш раҳбар зиммасига катта масъулият юклайди, эҳтиёткорлик ва сергакликни талаб қилади.



Қорақалпоғистонда давлат тилларининг ўқитилиши ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бошқа ҳудудлардан фарқли ўлароқ, олий ва умумтаълим муассасаларида, малака ошириш курсларида давлат тили учун ажратилган соатлар икки тил — қорақалпоқ ва ўзбек тиллари учун тенг ҳолда тақсимланади. Бундай вазиятда ўқув дастурида белгиланган материалларни тўлиқ ўтиш имкони камайиб кетади. Афсуски, бу муаммолар ҳали ҳам ўз ечимини топган эмас. Ана шу маънода, тегишли вазирликларга Қорақалпоғистондаги тил вазиятидан келиб чиқиб, ҳудудда давлат тилларини ўқитиш хусусида алоҳида чора-тадбирлар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган.

Ҳозирги пайтда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузурида Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 13 та ҳудудий бўлинмаси ташкил этилган бўлиб, давлат ташкилотлари ходимлари ўқитилмоқда, идораларда иш юритиш давлат тили ва лотин алифбоси ёзувида олиб борилмоқда.

Марказнинг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлинмасида малака ошириш курсларининг ўқув дастурларини амалга оширишда юзага келган муаммолар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Давлат тилини ривожлантириш департаменти ва ҳудудий бўлинма ҳамкорлигида ўрганилди. Ана шундан келиб чиқилган ҳолда Қорақалпоғистон учун умумий соат ҳажми 50 фоизга оширилган "Ўзбек ҳамда қорақалпоқ адабий тили меъёрлари ва давлат тилида иш юритиш" малака ошириш курсларининг янги ўқув режаси ва ўқув дастури ишлаб чиқилди, амалиётга жорий қилиниб, муаммолар бартараф этилди.

Иккита тилнинг давлат тили мақомида бўлиши шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни, нотариал идора ҳужжатларини, ФҲДЁ бўлимлари ҳужжатларини тайёрлашда ҳам айрим муаммоларни келтириб чиқаради. Хусусан, лотин ёзуви асосидаги ўзбек ва қорақалпоқ алифболарининг бир-бирига мос келмаслиги бир тилдан иккинчи тилга исм-шарифларнинг ёзилишини ўзгартирганда номувофиқликни юзага келтирмоқда. Натижада айрим ҳолларда фуқароларнинг норозилигига ҳам сабаб бўляпти.

Масалан, лотин ёзувига асосланган қорақалпоқ алифбосидаги айрим ҳарфлар йўқлиги сабабли хорижга чиқиш биометрик паспортини олиш талабномаларини расмийлаштиришда хатоликлар юзага келмоқда. Кирилл алифбосида ёзилган қорақалпоқ тилидаги ҳарфларнинг лотин имлосидаги ёзувларининг бир-бирига мос келмаслиги бошқа-бошқа муаммоларни келтириб чиқармоқда.

> *Ер юзида ўзбек тилида сўзлашувчилар сони қарийб 50 миллион кишини ташкил этади. Хорижий давлатлардаги 65 та олий ўқув юртида ўзбек тили ва адабиёти ўрганилмоқда. Ўзбек тилини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бораётган чет эллик олимлар сафи кенгаймоқда.*

Бунга қандай ечим топса бўлади? Ечим шуки, ўзбек ва қорақалпоқ лотин алифболарини имкон даражасида бир-бирига яқинлаштириш лозим. Ана шунда Қорақалпоғистонда давлат тилларида иш юритиш бўйича юзага келаётган муаммолар бир қадар ҳал қилинади.

**Масалан, ўзбек тилида "ц" ҳарфи ёлғиз ҳолда қўлланилмайди. Ҳатто ислоҳ қилинаётган алифбо лойиҳасида ҳам бу ҳарфий ясалма қўлланилмайди. Мазкур ҳарф кириллча "ц" ҳарфининг муқобили, яъни "с" сифатида алифбога киритилса, кириллча матнларни транслитерация қилганда муаммо бартараф этилади, деб ўйлайман. Шунингдек, ўзлашма сўзлар ўзбек ва қорақалпоқ тилида бир хил ёзиладиган бўларди.**

Бугунги кунда қорақалпоқ тилига ўзбек тилидан кўплаб сўзлар ўзлашяпти, қорақалпоқ тилидан ҳам айрим сўзларни ўзбек тилига бемалол қабул қилиш мумкин. Шу билан бирга, қорақалпоқча айрим атамаларнинг кўпчилиги соф туркий бўлиб, улар бемалол кўзланган маънони аниқроқ ифодалайди. Бу эса сўз моҳиятини тез ва аниқ идрок этиш имкониятини яратади. Ўзаро яқин тилларнинг бундай интеграциялашуви икки томонга ҳам бирдай фойда келтиради.

Бугунги глобаллашган дунёда тилларнинг бир-бирига ўзаро таъсири, жумладан, четдан сўз қабул қилиш кўлами ва суръати ортиб бораётганини инкор этиб бўлмайди. Бизда эса бундай жараёнларга унчалик эътибор берилмаяпти, аниқ тизим ва илмий ёндашув механизмлари ишлаб чиқилмаган.

Тил — миллат ор-номуси, тафаккур ифодаси, миллий ўзликни сақлаш истеҳкомидир. Тил бор экан, миллат яшайди. Яқин-яқинларгача ҳукмрон тил таъсирида она тилимиз таназзул гирдобига тушиб қолган эди. Йўқолаётган тиллар, истибдод туфайли йўқолиб кетган миллатлар тарихда жуда кўп. Шунинг учун биз ҳам ҳар қандай мустақил давлат сингари ўз тилимизни ҳар томонлама ривожлантиришимиз, уни давлат миқёсида кенг қўлланишига шарт-шароит яратишимиз, уни ўзга тиллар таъсирига тушиб қолишидан ҳимоя қилишимиз керак.

Лекин шуни таассуф билан айтиш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 февралдаги қарорига биноан 2023 йил 1 январдан "Ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, барча ташкилотларда иш юритиш ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларни лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва эълон қилиш амалиётини тўлиқ жорий қилиш" белгиланган бўлишига қарамасдан ҳукуматнинг мазкур қарори ижроси ҳамма жойда ҳам бажариляптими, деган саволга қатъий "ҳа" деб жавоб бериш қийин.

Қаранг, Озарбайжон Республикаси 2001 йилда Президент фармони билан бир ярим ойда тўлиқ лотин ёзувига ўтган экан. Худди шундай, Туркманистон ёки Қозоғистонни олайлик. Улар катта жасорат билан лотин ёзувини ўз ҳаётларига татбиқ этишди ва ҳеч қандай баҳсларсиз, қийинчиликларсиз шу йўлни танлашди. Биз эса ҳали-ҳануз иккиланишлар, депсинишлар гирдобидамиз.

Давлат тили бўйича олиб борилаётган тизимли ишларнинг нуфузи ва мавқеи тушиб кетмаслиги фақат ва фақат ўзимизга боғлиқ. Тилимизни бой берсак, миллатни йўқотамиз, миллат йўқолса, бизни аросат кутади. Шу боис тил учун жонимизни қалқон қилайлик, бу миллатимиз келажагини, мустақиллигимиз абадийлигини таъминлайди.

Мақолани ўзбек ва қорақалпоқ халқининг қондошлиги, жондошлиги, шу билан бирга, бошқа туғишган тиллар манбаи бўлган туркий тил ҳақида битилган сатрларим билан якунлагим келди:

Нью-Йоркда сўзингни биларлар энди,
Лондонда назарга иларлар энди,
БМТда мажлис қиларлар энди,
Ўзимнинг жонажон туркий тилимсан!

**Кенес КАРИМОВ,**
**Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси,**
**Қорақалпоғистон халқ шоири.**

# ЯНГИҲАЁТ ЯНГИ ҚИЁФАГА КИРДИ

*Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманидаги олис — Янгиҳаёт маҳалласида "Обод хонадон — обод кўча — обод маҳалла" тамойили асосида кенг бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.*

## Обод маҳалла

Хусусан, икки километрлик пиёдалар йўлаги қурилди. Мавжуд 634 та хонадоннинг барчаси ичимлик суви билан таъминланди. Шунингдек, бешта трансформатор таъмирланиб, 56 та симёғоч янги темир-бетон устунларга алмаштирилди. Шунингдек, 1,8 км. масофага электр тармоғи тортилди.

Айни кунларда маҳаллага олиб борувчи олти километр йўлга асфальт ётқизилаётир. Кўчаларга ўрнатилган чироқлар эса Янгиҳаёт тунларини чароғон қилди.

Эътиборлиси, маҳалла аҳли ҳам ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларига хайрихоҳ. Ҳашар қилиниб, ариқлар тозаланиб, дарахтлар оқланди. Хонадонлар тартибга келтирилди. Томорқаларга тўқсонбости усулида сабзавот экинлари экилди.

Озод ва обод, тинч-тотув юртга байрамлар ярашади.

Яқинда ушбу маҳаллада тантанали байрам тадбири ташкил этилди. Унда вилоят ва туман секторлар раҳбарлари, нуронийлар, ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди. Хайрли ишларда фаоллик кўрсатганлар ҳамда хонадонлар соҳиблари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Тадбир маҳалла марказида бунёд қилинган ёзги амфитеатрда катта концерт дастури билан давом этди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎзА) жамоаси агентлик бош юрисконсульти Ирода Қаҳҳоровага падари бузруквори **Соҳибжон ҚАҲҲОРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

# «ОРЗУИМ — ГАРВАРД УНИВЕРСИТЕТИДА ТАҲСИЛ ОЛИШ»

*Тил билган — эл билади, тафаккури юксалади. Энг муҳими, тил ўрганишга юртимизда ёшларнинг ҳам қизиқиши анча кучайган. Президентимизнинг 2021 йил 19 майдаги “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.*

## Интилиш

Бугунги глобаллашув даврида инсониятнинг замон билан ҳамнафас одимлашини ҳам талаб этмоқда ва бу боис турли соҳа мутахассислари ўз она тилини мукаммал билиш билан бир қаторда, бир нечта хорижий тилларни ўрганиши ҳамда мулоқот қила олиши айни муддаодир.

Давлатобод туманидаги 58-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Моҳинур Тоҳирова инглизча бемалол сўзлаши билан кўпчиликни ҳайратга солади. У яқинда IELTS синовларида 7 баллни қўлга киритиб, ёш тоифасига кўра вилоятда энг яхши натижаларда бирини қайд этди.

Инглиз тили ва математика фанлари бўйича пухта билимга эга 13 ёшли иқтидор эгаси ҳозирда FLEX дастури ҳамда халқаро SAT имтиҳонига тайёргарлик кўрмоқда.



— Саккиз ёшимдан хорижий тилни мукаммал ўзлаштиришга киришганман, — дейди Моҳинур Тоҳирова. — Мақсадим — ўрта мактабни тугаллагач, нуфузли Гарвард университетининг халқаро иқтисодиёт йўналишида таҳсилни давом эттириш. Математика ва бошқа асосий фанларни пухта ўзлаштиришим орзуимга қанот бўлади, деб ўйлайман.

Қайд этиш лозимки, вилоят умумтаълим мактабларида IELTS синовларидан муваффақиятли ўтиб, махсус сертификатга эга бўлаётганлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Биргина жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида шундай даражага эришган ёшлар сони 623 нафарни ташкил қилгани бунинг яққол тасдиғидир.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ («Халқ сўзи»).**

# ГАЗ БОСИМИ ПАСАЙМАЙДИМИ?

*Сайёр қабуллар фуқаролар мурожаатларини ўрганиш ва мавжуд муаммоларнинг ижобий ечимини таъминлашда муҳим омилдир.*

*Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни ўрганиш ва бартараф этиш билан бирга, фуқароларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаяпти.*

## Сайёр қабул



Сир эмас, куз-қиш мавсумида газ таъминоти билан боғлиқ масалалар ўртага чиқиб қолади. Яъни олис ҳудудларда табиий ҳамда суюлтирилган газга бўлган эҳтиёжнинг ортиши туфайли аҳоли ўртасида бу борада ҳақли талаблар пайдо бўлади. Албатта, муаммони бартараф этишдан кўра олдини олган маъқул, деган ҳаётий ҳақиқат мавжуд.

Айни шу мақсадда аҳолини ташвишга солаётган масалаларни ўрганиш ва уларга ечим топиш мақсадида “Ҳудудгазтаъминот” акциядорлик жамиятининг мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси вакиллари Навоий вилоятида навбатдаги сайёр қабулни ўтказди.

Дастлаб Кармана туманининг Варқ ҳамда Навоий шаҳридаги Зиёкор маҳаллаларида бўлиб ўтган сайёр қабулларда аҳолининг табиий газ босими бир маромда етказилишига оид таклифлари тингланди. Ўз навбатида, хонадон эгаларига куз-қиш мавсумида газ жиҳозларидан тўғри фойдаланиш, носоз, қўлбола ва ностандарт газ печларидан фойдаланмаслик юзасидан тушунчалар берилди.

Хатирчи туманининг Навбаҳор маҳалласида бўлиб ўтган сайёр қабулда эса фуқаролар кўтарган масалалар ижроси жараённинг ўзида масъул ходимларга топширилиб, мурожаатнинг жойида ечим топиши таъминланди.

— Сайёр қабулда маиший газ баллони олиш бўйича мурожаат қилдим, — дейди Фазлиддин Шакаров. — “Хатирчитумангаз” газ таъминоти бўлими ходимлари томонидан менга керакли ҳужжатларни тайёрлашим айтилди. Ортиқча оворагарчиликсиз масала ижобий ечим топганидан хурсандман.

Ўтган қиш фаслидаги аномал совуқда Нурота туманининг Ғафур Ғулом номидаги маҳаллада табиий газ босими пасайиши билан боғлиқ муаммо юзага келганди. Жорий мавсумга тайёргарлик даврида ушбу маҳаллада газ босимини кўтариш бўйича зарурий ишлар амалга оширилди.

Сайёр қабулда газ босими пасайиши билан боғлиқ аҳолининг хавотирли саволларига мутахассислар томонидан бажарилган ишлар ҳақида ахборот берилди. Ҳар бир мурожаат эътиборда эканлиги таъкидланиб, фуқаролар билдирган масалалар бўйича таклиф ва ечимлар кўрсатилди.

— Йил бошидан буён Президент виртуал қабулхонасига вилоятимиз аҳолиси номидан газ таъминоти билан боғлиқ 963 та мурожаат келиб тушган, — дейди “Ҳудудгаз Навоий” газ таъминоти филиали назорат ва мурожаатлар билан ишлаш бўлими мутахассиси Мавжуда Аҳмедова. — Шу кунга қадар уларнинг 931 таси кўриб чиқилиб, 806 таси ижобий ҳал этилди. Шунингдек, 125 таси бўйича тушунтириш берилиб, 32 таси ўрганилмоқда.

Албатта, ҳар бир мурожаатда инсон манфаатлари мужассам. Унга қулоқ тутиш, ҳақли талабни жойида ҳал этиш, махсус дастурлар асосида ечимига эришиш мумкин бўлган муаммолар юзасидан тушунча бериш ҳам инсон кўнглини тоғдек кўтаради. Юзма-юз мулоқотларнинг аҳамияти эса янада залварли.

**Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).**

# ЁШ ЎЗБЕК ОЛИМАЛАРИНИНГ КИТОБИ ДУНЁНИНГ ЕТТИ ТИЛИДА НАШР ЭТИЛДИ




*Президентимиз ташаббуси билан кейинги йилларда юртимизда таълим тизимининг барча бўғинида ҳаётбахш ислоҳотлар амалга оширилиб, баркамол авлод орзуси йўлида салмоқли ютуқларга эришилмоқда. Бунда жаҳоннинг нуфузли олий таълим муассасалари билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйилиб, ўзаро тажриба алмашиш, илмий ишларни биргаликда бажариш, инновацион ғояларни ҳаётга татбиқ қилиш бўйича барча шарт-шароит яратилаётгани муҳим аҳамият касб этаётир.*



## Эътироф

Ана шундай ислоҳотларнинг самараси мамлакатимизда теран билим ва дунёқарашга эга, замонавий ахборот технологиялари ҳамда хорижий тилларни мукаммал ўзлаштирган рақобатдош мутахассислар сафи тобора кенгайиб бораётганида ўз ифодасини топаётир. Шу билан бир қаторда, олий таълим муассасаларининг рейтинг кўрсаткичлари, профессор-ўқитувчилар ва ёш олимларимизнинг илмий салоҳияти юксалмоқда. Ўз навбатида, Ўзбекистоннинг бу борадаги ютуқлари халқаро илмий жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланаётгани, яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, илм-фан соҳасида улкан натижаларни қўлга киритаётган ёш олимлар сафи кенгайиб бораётгани янада қувонарлидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби докторанти (DSc), иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Дилнавоз Абдиева ва Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Маркетинг кафедраси доценти в.б., иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Диёра Усмонова ҳам иқтисодиёт соҳасида илмий изланишлар олиб бориб, ютуқлари нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам тан олинаётган истеъдодли ёш олималаримиздан ҳисобланади.

Яқинда бу ёш олималаримизнинг “Тикув-трикотаж маҳсулотлари экспортида маркетинг тадқиқотлари” деб номланган монографияси Буюк Британиянинг нуфузли “Globe Edit” академик нашриёти томонидан дунёнинг етти тилида нашр этилди. Эслатиб ўтамиз, мазкур нашриёт ўз маҳсулотларини халқаро матбаа бозорида 80 мингта китоб савдо шохобчаси ҳамда 3 мингдан ортиқ интернет-дўконларда тақдим қилади.

Ўқув-қўлланмада бугунги кунда мазкур соҳада иқтисодиёт илмининг муҳим йўналишлари сирасига кирувчи маркетинг, менежмент, рақамли иқтисодиёт, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш, меҳнат ресурслари ва мутахассислар салоҳиятидан унумли фойдаланиш борасида муаллифларнинг илмий-амалий тажрибаларига асосланган фикрлари берилган.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг яқин истиқболга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси, “Рақамли иқтисодиёт — 2030” стратегияси, қолаверса, иқтисодиёт тармоқларини замонавий мезонлар асосида модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, илм-фан ютуқлари, инновация ғояларини амалиётга кенг татбиқ этишга қаратилган изчил саъй-ҳаракатлар доирасида барча муҳим йўналишни ислоҳ этиш кўзда тутилган. Бу эса, ўз навбатида, миллий ва халқаро тажрибани ўзаро интеграция қилиш, назария ва амалиёт соҳасидаги билимларни уйғунлаштиришни тақозо этади. Ёш олимаримизнинг ушбу ўқув-қўлланмаси ана шундай эзгу мақсадга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Монография “Экспорт фаолиятида маркетинг концепциясининг илмий-назарий асослари”, “Тикув-трикотаж маҳсулотлари экспортида маркетинг фаолияти таҳлили” ва “Маркетинг ёндашуви асосида тикув-трикотаж маҳсулотлари экспорти самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари” номли уч йирик бобдан иборат. Уларда тикув-трикотаж маҳсулотлари экспортида юртимизда ва хорижда кечаётган иқтисодий жараёнлар, илм-фанда урфга кираётган тенденциялар, илмий ишланмалар теран нигоҳ билан очиб берилган. Сир эмаски, Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнида тўқимачилик саноати ва унинг таркибидаги тикув-трикотаж тармоғини ривожлантиришга катта аҳамият қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан, монографияда мазкур тармоқда ислоҳотларни самарали амалга оширишда ҳудудий пахта-тўқимачилик кластерларини ташкил этиш, халқаро сифат стандартларига мос маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда уларни экспорт қилишда маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, бозорларни сегментлаш орқали улардан истиқболлиларини танлаш муҳимлиги илмий асосланган. Олималаримизнинг ўқув-қўлланмасида тикув-трикотаж маҳсулотлари экспортида маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш, унинг самарадорлигини ошириш бўйича илмий изланишларнинг натижалари ва хулосалари ўз ифодасини топган. Яна бир эътиборли жиҳати, аниқ таҳлиллар ва шу асосда келиб чиққан хулосалар китобнинг нафақат ушбу соҳада таълим олаётган ёшлар, балки мазкур тармоқда фаолият олиб бораётган мутахассис ва кадрлар учун ҳам аҳамиятини оширади.

Ишонамизки, ёш олималаримизнинг мазкур китобидан талабалар, профессор-ўқитувчилар, иқтисодиёт тармоқларида фаолият олиб борувчи мутахассислар ҳамда шу соҳага қизиқувчилар муҳим қўлланма сифатида фойдаланади. Истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш ва илмий ишлар жараёнида унда келтирилган фикрлар, амалий таклиф ва тавсиялар қўл келади. Айни чоғда ёш олималаримизнинг бу ютуғи тинимсиз меҳнат ҳамда аниқ мақсад йўлида доимо изланишда бўлган тенгдошларига ибрат намунаси ҳамдир.

**Шаҳноза ЭРГАШХОДЖАЕВА,**
**ТДИУ Маркетинг кафедраси мудири,**
**иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

# ДОЛЗАРБ МАСАЛА ЮЗАСИДАН ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИК



***2023 йил 13-14 октябрь кунлари Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Биокимё институтида “Озиқ-овқат хавфсизлиги: глобал ва миллий муаммолар” мавзуида бешинчи халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.***

## Озиқ-овқат хавфсизлиги

Кейинги йилларда озиқ-овқат хавфсизлиги жаҳон ҳамжамияти олдидаги энг долзарб масалалардан бирига айланди. Иқлим ўзгариши таъсирида тез-тез кузатилаётган табиий офатлар, сув тақчиллиги, қурғоқчилик каби омиллар вазият янада мураккаблашишига олиб келмоқда. Оқибатда жаҳон бозорида озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг кескин кўтарилиш ҳолати кузатиляпти. Бу эса қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатини янги инновацион тенденциялар ва технологиялар ҳамда илмий ютуқларни қўллаш орқали янада ривожлантиришни тақозо этмоқда.

Бутунжаҳон озиқ-овқат куни муносабати билан Самарқанд давлат университетининг Биокимё институтида ушбу масалага бағишлаб халқаро анжуман ўтказиш анъанага айланган. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ўтказилган бу йилги форумда хорижий давлатлардан таниқли олимлар, профессорлар, халқаро ташкилотлар ва дунёнинг етакчи таълим муассасалари вакиллари, ёш тадқиқотчилар жам бўлди. Аниқроғи, икки кун давом этган анжуманда АҚШ, Россия, Италия, Исландия, Покистон, Қозоғистон, Тожикистон каби давлатлардан 40 га яқин олимлар, шунингдек, юртимизнинг соҳага оид 50 дан ортиқ ташкилотларидан қарийб 200 нафар мутахассис иштирок этди.

— Анжуманда “Ўсимликларнинг ҳужайра даражасида шўрланишга чидамлилигини оширишда генлар экспрессиясини бошқариш ва TOP-сигнал тизимининг аҳамияти” мавзусидаги илмий маъруза билан қатнашдим, — деди Қозоғистоннинг Евроосиё миллий университети Ҳужайра биологияси ва биотехнология институти директори, академик Раҳметкажи Берсимбай. — Бу мавзуни бежиз танлаганимиз йўқ. Чунки тупроқ ифлосланиши дунёнинг кўплаб минтақаларига хавф солаётган муаммо ҳисобланади. БМТ ҳисоб-китобларига кўра, жаҳон бўйича мавжуд экин майдонларининг 20 фоизга яқин қисми тупроқнинг таркибида шўрланиш муаммосидан азият чекади. Шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам суғориладиган экин ерларининг маълум қисми турли даражада шўрланган. ФАОнинг маълумотларига қараганда, шўрланиш даражаси Қорақалпоғистон Республикасида нисбатан юқори. Тупроқдаги сувда эрувчан тузларнинг юқори концентрацияси ўсиб, ривожланишга салбий таъсир кўрсатади, экинлар ҳосилдорлигини пасайтиради. Демак, шўрланиш озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида энг долзарб муаммо саналади. Ҳозирги кунда шўрланиш таъсирини камайтириш мақсадида ген инженерияси тадқиқотларидан фойдаланилмоқда. Чунки генларнинг таъсирчанлигини бошқариш усули ўсимлик ҳужайраларини шўрланиш натижасида келиб чиқадиган стресс ҳолатидан ҳимоя қилишнинг энг самарали механизмларидан бири ҳисобланади.

Конференцияда шу каби агросаноат тизимида долзарб масалалар қизғин муҳокама қилиниб, уларнинг ечими юзасидан илмий асосланган таклифлар берилди. Хусусан, озиқ-овқат хавфсизлиги барқарорлигини сақлашда замонавий биотехнологиялардан фойдаланиш ва генетика ютуқларини қўллашнинг аҳамияти, бу жараёнда биохилмахилликка салбий таъсирларни камайтириш, озиқ-овқат таъминоти барқарорлигини таъминлашда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришнинг физиологик, биокимёвий ва агротехнологик асослари, озиқланиш ва овқат ҳазм қилиш соҳасидаги замонавий тадқиқотлар ҳамда уларнинг долзарб масалалари шулар жумласидан.

— Таниқли олимлар ва нуфузли ташкилотлар вакиллари иштирок этган халқаро конференцияда илгари сурилган ташаббуслар долзарб муаммоларни ҳал қилишда қўл келади, — деди Италиянинг Болонья университети профессори Жанлукка Аллегро. — Анжуманда “Иқлим ўзгаришлари таъсирларига мослашувчан токзорлар барпо этишнинг инновацион ёндашувлари” номли маъруза билан қатнашдим. Негаки, озиқ-овқат хавфсизлиги иқлим ўзгариши муаммоси билан чамбарчас боғлиқ. Агар ушбу муаммоларнинг ечимини маълум миқдорда ҳал қилсак, миллионлаб инсонларнинг ҳаётини сақлаб қолган бўламиз.

Таъкидлаш керакки, конференция доирасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўлида яқин истиқболда амалга ошириш лозим бўлган кўплаб илмий таклиф ва тавсиялар тақдим этилаётгани унинг нуфузини тобора оширмоқда. Масалан, бешинчи бор ўтказилган анжуман мавзулари қамрови кенгайиб, камёб, ноёб ва доривор экинларни зараркунандаларидан ҳимоя қилишнинг уйғунлашган тизимидан кенг фойдаланиш, бунда биологик ҳимоя тизимидан устувор фойдаланишга эришиш; ўғитларнинг экологик хавфсизлигини таъминловчи меъёрларни, экологик тоза маҳсулот етиштиришда органик деҳқончилик тизимини кенг қўллаш орқали жаҳон бозорига озиқ-овқат маҳсулотларини кўпроқ чиқаришга эришиш; қурғоқчил минтақаларда кам сув талаб этилувчи экинларни табиий ресурслар ичидан танлаб жорий қилиш ва бунда сувни тежаш масаласининг устуворлигини таъминлаш; мева-сабзавот экинлари етиштиришга ихтисослаштирилган кластерлар тизимида агрологистик тармоқ ва маркетинг тизимини шакллантириш, етиштирилган маҳсулотни сақлаш, қадоқлаш ва етказиб бериш соҳасини такомиллаштириш; ихтисослаштирилган кластерлар самарадорлигини оширишда экиладиган сабзавотларнинг янги, маҳаллий шароитга мос, касаллик ва зараркунандаларга чидамли навлари, дурагайларини яратиш, истиқболли экинлар нав уруғлари генофондини яратиш, агротехникасини такомиллаштириш; боғдорчиликда анъанавий усуллардан тўлиқ воз кечган ҳолда, томчилатиб суғориш асосидаги интенсив боғлар барпо этишни жадал ривожлантириш; экспортга йўналтирилган анорчилик, ёнғоқ, писта, бодом ва резавор мевачилик майдонларини кенгайтириш; узумчиликда экспортга йўналтирилган хўраки, винобоп, майизбоп навлар ва улар агротехникасини ишлаб чиқиш; ташқи бозорга йўналтирилган қадоқлаш, сақлаш ва қайта ишлаш технологик жараёнларни модернизациялаш; иссиқхонада замон талабига мос, зараркунандаларга чидамли нав ва дурагайлар генофондини ташкил этиш; иссиқхона полизчилиги учун мос келувчи қовун ва тарвуз навлари яратиш, танлаш, агротехникасини ишлаб чиқиш; иссиқхона хўжалиги учун зарур мутахассис кадрлар тайёрлаш тизимини бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда тубдан ислоҳ қилиш масалаларини кучайтириш йўналишларида янги ёндашув ва илмий ечимлар айтилди. Бу борада олиб борилаётган тадқиқотларни чуқурлаштириш ва халқаро ҳамкорликни кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Эътиборлиси, анжуман доирасида хорижлик олимлар СамДУ Биокимё институти кампуси ва озиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркаси билан яқиндан танишди. Шу аснода Ўзбекистоннинг агросаноат ва инновацион салоҳияти, озиқ-овқат хафсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган тизимли ишларга гувоҳ бўлдилар.

Бинобарин, юртимизда кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати тубдан ислоҳ қилинмоқда. Натижада маҳсулот етиштириш ҳажми ортиши баробарида, экспорт салоҳияти ҳам юксалиб боряпти. Статистика агентлигининг маълумотларига кўра, Ўзбекистон 2023 йилнинг январь — июнь ойларида 11 та давлатга қиймати 16,7 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 79,9 минг тонна қовун, 14 та давлатга қиймати 3 млн. долларлик 6,5 минг тонна тарвуз экспорт қилган. Бундан ташқари, ушбу даврда хорижий мамлакатларга 20,3 минг тонна олхўри, 32,9 минг тонна майиз, 25,6 минг тонна шафтоли, 45 минг тонна гилос, 57,4 минг тонна ўрик, 75,2 минг тонна карам, 40,8 минг тонна помидор, 57,9 минг тонна мош, 237,7 минг тонна пиёз сотилган. Йил якунлари бўйича рақамлар янада ортиши, шубҳасиз. Негаки, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси ижроси доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ана шундай самаралар бермоқда.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги равнақига жиддий эътибор берилаётгани бежиз эмас, албатта. Сабаби у иқтисодиётимизнинг етакчи соҳаларидан бири ҳисобланади. Бунинг кўламини англаш учун меҳнатга лаёқатли аҳолининг 27 фоизи айнан ушбу секторда ишлашини айтиш кифоя. Натижада қишлоқ хўжалигини самарали ва ресурс тежовчи агротехнологияларни изчил татбиқ этиш орқали аҳолини хавфсиз, витаминларга бой, арзон ва барқарор нархдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва соғлом овқатланишни йўлга қўйиш чоралари кўрилаётир.

Икки кун давом этган халқаро конференцияда жаҳонда, хусусан, Марказий Осиёда озиқ-овқат хавфсизлигининг ҳозирги ҳолати таҳлил қилиниб, агроозиқ-овқат тизимлари олдида турган, аграр соҳанинг барқарор ривожланишига эришишга тўсқинлик қилаётган муаммолар, шунингдек, мамлакатимизда ва жаҳонда уларни ҳал этиш йўллари муҳокама қилинди. Озиқ-овқат хавфсизлиги ва овқатланишни яхшилаш, шунингдек, қишлоқ хўжалигининг 2030 йилгача барқарор ривожланиши бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш мақомини яхшилаш юзасидан фикр алмашилди. Шу маънода, йирик анжуман глобал муаммо ечимига хизмат қиладиган илм-фан ютуқларини кенгроқ қўллаш бўйича алоқаларни йўлга қўйиш учун қулай илмий платформага айланди, десак, айни ҳақиқатдир.

**Бакриддин ЗАРИПОВ,**
**Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети профессори, академик,**

**Худоёр КЕЛДИЁРОВ,**
**ушбу университет профессори.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1041. 32 669 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Б. Мадиёров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6